

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Ғ.

Мусаҳҳих: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

| | |
|--|-----|
| Н.Матхошимов, Э.Исаков Фарғона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси..... | 203 |
| А.Шерматов, А.Юсупова Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари..... | 210 |
| О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари..... | 213 |
| Х.Лутфуллаева Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўникмалари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти..... | 217 |
| И.Асқаров, Д.Ҳожиматова Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш..... | 222 |
| А.Шарафиддинов Фарғона водийси қишлоқларида халқ ғалаёнлари (XIX аср охири) | 226 |
| А.Ғаниев Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари..... | 230 |
| Х.Мухаммедова Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири..... | 233 |
| Х.Хаитов Фолчи ёки ромчи – кулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири..... | 236 |
| Г.Умаржонова Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шаклланиши..... | 239 |
| Л.Ғалимуллина Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик birlikларнинг қиёсий таҳлили..... | 242 |
| И.Аҳмаджонов Морфемик birlikларнинг вазифасига кўра таснифланиши..... | 245 |
| М.Саидакбарова Мангуликка дахлдор сўз..... | 249 |
| Д.Қаландарова Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси..... | 252 |
| И.Жўраев Бурч ва масъулиятнинг бадий-фалсафий талқинлари..... | 256 |
| Ф.Анварова, Н.Тоирова Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар | 259 |

УДК: 42/48+572+81.373

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНТРОПОНИМЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

COMPARATIVE ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH ANTHROPONYMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ С АНТРОПОНИМОМ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

Галимуллина Луиза Талгатовна¹¹Галимуллина Луиза Талгатовна

–Фарғона давлат университети, инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

В статье проведён анализ фразеологизмов английского и узбекского языков с антропонимом. В данную статью включены обороты и выражения английского языка с антропонимом библейского происхождения, а также фразеологические единицы, в которых имя собственное заимствовано из священных писаний Корана.

Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларининг антропоним компонентли фразеологик бирликлари таҳлил қилинган. Ушбу мақола инглиз тилидаги келиб чиқиши Инжилдан бўлган антропоним компонентли иборалар билан бир қаторда таркибидан Қуръон оятларидан олинган атоқли отлар маъжуд фразеологик бирликларни ўз ичига олади.

Annotation

Phraseological units of the English and Uzbek languages with an anthroponym component are analyzed in the article. Expressions of the English language with a component of an anthroponym of biblical origin, as well as phraseological units from the scriptures of the Koran proper names have been included in the article.

Таянч сўз ва иборалар: фразеологик бирликлар, антропоним, этноним, Инжил фразеологизмлар, дунё лисоний манзараси.

Ключевые слова и выражения: фразеологические единицы, антропоним, этноним, библейские фразеологизмы, языковая картина мира.

Key words and expressions: phraseological units, anthroponym, ethnonym, biblical phraseological units, linguistic world picture.

Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологиясини қиёсий ўрганиш бўйича қилинган ишларда кўпинча фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларига асосий эътибор қаратилган. Ушбу мақолада фразеологизмларнинг тарихи ва манбаларини қиёсий ўрганиш хусусиятидан келиб чиқиб, антропонимлар, этнонимлар билан боғлиқ фразеологик бирликлар энг муҳим омил сифатида таҳлилга тортилди. Мазкур фразеологизмлар гуруҳи дунёнинг лисоний манзараси ва тил соҳибларининг миллий характерини кенг очиб бера олиши, фразеологик бирликларнинг тарихи ва келиб чиқиш манбаларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Ўзбек халқи ислом динига эътиқод қилгани учун, асосан, Қуръони Карим персонажларидан ўзлаштирилган фразеологик бирликлар учрайди. Шу билан бирга инглизча-ўзбекча учта фразеологик параллеллар борлиги ҳам эътиборга олинди. Муқаддас Қуръони Каримдан ўзлаштирилган атоқли от компонентли фразеологик бирликлар куйидагиларни ташкил этди.

Қуръони Каримга мурожаат қилар эканмиз, энг биринчи ўринда атоқли отлар туркумига “Аллоҳ” номини қўямиз. Аллоҳ – Аллоҳнинг тўқсон тўққиз номининг энг буюги ва биринчиси бўлиб, Қуръон ва ҳадиси шарифларда, Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти ҳақидаги эпизодларда кўп бор тилга олинади. Аллоҳ номи идентификатив

вазифани бажариб, ягона Яратганга ишора қилади. Араб тилидаги “Аллоҳ” номининг маъноси инглиз тилидаги “Худо” номидан чуқурроқ. Арабча “Аллоҳ”нинг ўзи Ягона Яратувчи, деб талқин қилинади.

Тўплаган маълумотларимиз асосида учта мутлақо Қуръондан олинган инглиз-ўзбек фразеологик параллель борлиги аниқланди. Инглиз тилида: “Glory to Allah” – Оллоҳга ҳамд-санолар бўлсин. If the mountain will not come to Mahomet (Muhammad), Mahomet (Muhammad) must go to the mountain – агар жуда узоқ кутган ишингиз амалга ошмаётган бўлса, кутиб турмасдан ўзингиз ташаббускор бўлинг ва ҳаракат қилинг. Listen for the wings of Azrael – (сўзма-сўз таржимаси: Азроил қанотларини эшитиш) ўлим яқинлашаётганини ҳис қилиш. Азраил (Израил) – диний эътиқодларига кўра, Азроил тўрт фариштаннинг бири бўлиб, унга одамларнинг жонини олиш топширилган.

Ўзбек тилида “Аллоҳ” номи билан боғлиқ фразеологик бирликлар энг катта миқдорни ташкил қилади. Масалан, Оллоҳнинг иродаси; билгувчи ёлғиз Оллоҳ; Оллоҳ баракасини берсин; Оллоҳнинг амри билан; Оллоҳнинг суйган бандаси. “Сабр таги Раҳмон, Шошган иши шайтон”. (Раҳмон – Оллоҳнинг исмларидан бири, шайтон – одамларни дин йўлидан оздирувчи, гуноҳ ишларга, разолатга бошловчи ёвуз руҳ, иблис). “Сабр – Раҳмондан, Куфр – шайтондан”.

Азроилнинг бир турки бўрида – мазкур мақолда ваҳшийлик тимсоли бўлмиш бўри Азроилга ташбиҳ этилган ва бу, ҳаётда раҳм-шафқат деган нарсани билмайдиганларга нисбатан қўлланилади. “Мол молга етгунча, Азроил жонга етади” – мазкур мақол билан: “Молимга мол қўшиб кўпайтираман, бой бўламан, дегунингча Азроил жонингга етиб қолади, яъни умринг ҳам охир бўлиб, тугаб қолади. Бас, шундай экан, мол-дунё орттираман деб уриниб, жонингга жабр қилма, кишига саломатлик керак, кўп молпараст бўлма”, деган маънода насиҳат қилдилар [5,234]. “Азроилни кўргандай, ранги оқариб кетди” – бу ибора билан “жуда кўрқиб кетган” дейилмоқчи.

Қуръонда, бундан ташқари, “Одам алайҳиссалом”, “Исо алайҳиссалом” номлари ҳам келтирилган. Ўзбек тилида “Одам” номи билан боғлиқ фразеологик бирликлар: Одам Атонинг фарзандлари;

Одам билан одам тенгму, Арис билан Бодом тенгму? – (Арис – Чимкент шаҳри яқинидан ўтадиган кичик бир дарё – Сирдарёнинг ирмоғи, Бодом – Чимкент шаҳри ичидан ўтадиган анҳор). Вар.: “Одамийнинг насли бирдир, Бир-биридан фарқи бордир”. Бу мақол билан: “Ҳаётда дўсту биродар, умр йўлдоши танлайдиган, биров билан яқин муносабатда бўладиган бўлсанг, у одамнинг кимлигини, қандайлигини, яхши ё ёмонлигини обдан суриштир, бил, сина. Негаки, одамларнинг ҳаммаси ҳам бирдай бўлавермайди: бири яхши бўлса, бири ёмон бўлади”, деган маънода насиҳат қилиб, огоҳлантирадилар [5, 254]. “Отам ўғлиман дема, Одам ўғлиман де”. Қуръони Каримдан олинган яна бир исм: “Момо Ҳавонинг қизлари”. Ёки яна бир мисол, “Исоқаям ўз йўлида, Мусоқаям ўз йўлида”. Исо мусулмон, Мусо (Моисей) эса яҳудий пайғамбар. Улар тутган йўл ноёб, бир-биридан фарқ қилар эди ва иккаласи ҳам ўз йўлларини муносиб, деб билдилар. Юқоридаги ибора билвосита маънода шундай фикрни ифодалайди: “бировнинг шахсий ҳиссиётига тегма ва “сеники нотўғри, меники тўғри”, деб баҳслашма, барибир фойдаси йўқ. Чунки ҳар кимнинг ўз тутган йўли, ҳаётга қарашлари ўзига тўғри бўлиб туюлади” дейилмоқчи.

Ўзбек тилида Қуръони Каримдан олинган яна бошқа номлар ҳам бор. Масалан, “Абу Жаҳл” – Муҳаммад алайҳиссаломнинг душмани. Масалан, тарвузнинг аччиқ, тахир нави “Абу Жаҳл”. Лут пайғамбар қавми; кўзлари Валфожир ўқийди; Исрофил сури – сигнал, тез ўзгаришлар ҳақидаги хабар; Нуҳ замонидан қолган; Биби Майрам; Иблис; Аюб пайғамбарнинг сабри; Юсуф пайғамбарнинг хусни ва бошқалар.

Инглиз тилида Инжил фразеологизмларнинг энг қадимий ва муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Л.Смит “Инглиз тили фразеологияси” номли асарида “юз йиллар давомида Инжил инглиз халқи томонидан кўп ўқиладиган китоб бўлиб қолмасдан, балки инглиз тили идиоматикасининг бойишига ҳисса қўшган ва алоҳида сўзлар, бутун идиоматик иборалар инглиз тилига кириб келган”, дея таъкидлайди [4,110].

а) инглиз тилида Одам исми билан боғлиқ фразеологик бирликлар: Adam’s apple – қалқонсимон без; Adam’s rib’s–Одам атонинг

қовурғаси, аёл кишига ишора; begin with Adam (with the creation) – энг бошидан бошлаб тушунтириш; the old Adam – қариган одам; the curse of Adam – яшаш учун пул топиш зарурияти; Adam’s profession – қишлоқ хўжалигига оид барча ишлар; Adam’s ale – (шот. Adam’s wine) – ҳазил-мутойиба, сув; Adam’s ale is the best brew – бир қултум тоза сув ҳар қандай доридан аъло; not to know a man (somebody) from Adam – кимнидир умуман танимаслик; as old as Adam ribs – жуда қари; one’s outward Adam – ҳазил. Йўқликка равона бўлган тана; the faithful Adam – садоқатли, эски қул.

Инглиз тилида Исо Масиҳ номи билан боғлиқ фразеологик бирликлар: beg somebody for Christ (Jesus) sake – Исо Масиҳ номи билан ялиниш, сўраш; Christ be with you! Исо Масиҳ сенга ёр бўлсин, омад тилаш маъносига; Christ is my witness! – Исо гувоҳ, рост сўзлаётгани ҳақида қасам ичганда; For Christ’s sake! – Исо ҳақиқига деб садақа сўраш. Бундан ташқари, Balaam’s ass – Валаам эшаги, яъни жим турадиган, итоаткор, бирданига эътироз билдириб, қаршилиқ қиладиган, қайсарлик қиладиган, ўз фикрини айтадиган одам. The (brand) mark of Cain – жиноят изи, бармоқ излари; to raise Cain (ёки raise Hail Columbia ёки raise Ned, ёки амер. raise Jack) – Каинни хочламақ, яъни жанжал, шовқин кўтармоқ, сўкинмоқ; David and Jonathan – икки ажралмас, қалин дўст; the daughter of Eve (Eve’s daughter) – Момо Ҳавонинг қизи, ушбу маънода: аёл киши, қиз бола. Gog and Magog – даҳшатга соладиган одам, 2) бири биридан бадтар; ўзбек тилида: Ажуж-Мажуж - (Қуръони

Каримнинг Каҳф сурасида келтирилган ҳикоя. Шайх Аловуддин Мансур таржимаси). Wandering Jew – бир умрлик жуҳуд; дарбардарлик билан кун кечирувчи, ҳеч қачон хотиржамлик топмайдиган одам. As patient as Job – Иов; жуда сабрли одам. Aron’s rod – ажойиб бир ўзгариш; sham Abraham – ўзини касалга солиш; call in Beelzebub to cast out Satan – Вельзевулани (ёрдамга) шайтонни ҳайдаш учун чақирмоқ; Daniel come to judgement – адолатли, зукко ҳакам; Jacobs ladder – 1) о-з. катта нарвон; 2) Арқонли (денгизда) нарвон, вант-трап; 3) drive like Jehu – ҳазил гап, машинани жуда тез ҳайдамоқ; the daughter of Jezebel – 1) жиноятчи, юзсиз аёл; 2) уятсиз, ёки қўпол пардоз қилган аёл. Egyptian darkness – зулмат, жуда қоронғу; a good Samaritan – меҳрибон Самаритан. Ушбу иборанинг маъноси: яхши амалларни кутиш амримаҳол бўлган одамнинг раҳм-шафқатли бўлиши.

Инглиз ва ўзбек тиллари материалларини қиёсий таҳлил қилиш, инглиз тилида бадиий адабиёт қаҳрамонларининг номи ва уларнинг гаплари билан боғлиқ фразеологик бирликларнинг ўзбек тилига нисбатан кўпроқ учраши маълум бўлди. Ўзбек тилида ушбу гуруҳга мансуб ибораларнинг жуда кам учраши аниқланди. Шунинг учун бу соҳада тадқиқотларни давом эттиришга ҳам алоҳида аҳамият бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга тадқиқотимиз ўзбек тилида антропонимлар билан боғлиқ фразеологизмларнинг тематик лугатини ишлаб чиқиш заруриятини ҳам кўрсатиб берди.

Адабиётлар:

1. Бирих А.К., Мокиенко В.М., Степанов Л.И. Русская фразеология: Историко-этимологический словарь. Изд. 2-е. Испр. и дополн. – М.: Издательство Астрел, 2006.
2. Корзюкова З.В. Основные аспекты функционирования фразеологических единиц с именами собственными в английском языке: национально-культурная специфика: дисс. канд. филолог. наук. – М., 2003.
3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2019.
4. Смит Л.П. Фразеология английского языка / Перевод с англ. – М.: Учпедгиз, 1959.
5. Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. Маънолар маҳзани. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2018.
6. Oxford Dictionary of Idioms Second edition / Siefring Judith. — New York: Oxford University Press Inc., 2004.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори PhD)